

Хайдарова Ирода Низомиддиновна
(PhD) докторант
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАЛАФФУЗИГА БЎЛГАН САЛБИЙ ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

Аннотация. Ушбу мақолада шева турлари, хусусан, ўзбек шевалари хақида, ўзбек шеваларининг инглиз тили талафузига бўлган салбий таъсири (интерференция), кузатиладиган муаммоли вазиятларни бартараф этишда кўмаклашувчи машқлар кетма-кетлиги келтирилган ва асосланган. Мақолада шева билан ёндош бўлган тушунчалар диалект, лаҗжа ва тил варианtlарига изоҳлар билан бойитилган. Шу жумладан, ўзбек ўқувчилари инглиз тили талафузини ўзлаштиришида биринчи тил (она тили), ҳамда, уларнинг шеваси таъсирида интерференция ҳодисасини келтириб чиқаришига доир мисоллар билан бойитилган, ҳамда, товуш интерференцияси, яъни, ўзбек тил ўрганувчиларининг инглиз товушларини талафуз қилишидаги хатоликларига ўрганилган. Улар дуч келадиган инглиз тили унли ва ундош товушлари талафузи ва уларни тинглаб-тушунишидаги қийинчиликларни бартараф этишга доир машқлар ва тавсиялар берилган. Бу борада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаларидан саволномалар олиниб, уларнинг натижалари тахлил қилинган.

Калит сўзлар: шева, лаҗжа, диалект, тил варианtlари, фонетика, интерференция, товуш интерференцияси, унли ва ундош товушлар, аллафонлар.

Аннотация. В данной статье приведены и обоснованы мнения относительно понятия диалекта, в частности, узбекских диалектов, негативного влияния узбекских диалектов в английском произношении (интерференции) и ряд упражнений, способствующих устраниению соответствующих проблемных ситуаций. В статье описано влияние узбекских диалектов в английском произношении, и, в свою очередь, побочные диалекту понятия, как наречие, говор и языковые варианты обогащены толкованием. Приведены примеры по поводу появления интерференции при усвоении английского произношения узбекскими учениками под воздействием их родного языка, в частности их диалекта. Изучены ошибки, встречающиеся у узбекских учеников при произношении гласных и согласных английского языка, трудности при аудировании и даны упражнения и рекомендации по их устраниению. Основное внимание в статье уделяется интерференции звука, то есть ошибкам при

произношении английских звуков изучающих язык узбеков. По данному вопросу проведено анкетирование со студентами Узбекского государственного университета мировых языков, изучены и представлены результаты.

Ключевые слова: *диалект, фонетика, произношения, интерференция, звуковая интерференция, согласный и гласный звуки, аллофонов.*

Annotation. This article is devoted to the notion of dialect and the negative impacts of the Uzbek dialects on the pronunciation of the English language (sound interference) and exercises that contribute the elimination of the observed problematic situations. The article describes the influence of Uzbek dialects in English pronunciation, and, in turn, the side dialect of the concept, moreover, dialect and language variants are enriched with interpretation. Examples are given about the appearance of interference in the assimilation of English pronunciation by Uzbek students under the influence of their native language, and also their dialects. The errors, which are faced by Uzbek students in the pronunciation of the vowels and consonants of the English language, difficulties while listening and pronouncing of English sounds, and exercises and recommendations for their elimination were given. The focus of the article is on the sound interference, errors in the pronunciation of English sounds learning the language of Uzbeks. On this issue, a survey was conducted with students of the Uzbekistan State University of World Languages, the results were studied and presented.

Key words: *dialect, phonetics, pronunciation, interference, sound interference, consonant and vowel sounds, allophones.*

Ҳар бир тилни ўрганишда унинг келиб чиқиши, шаклланиш даври, аникроқ қилиб айтганда унинг тарихини билиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро тил тарихини билмай туриб, тилдаги ўзгаришларни, ундаги янгиликларни ва ўйқотишларни билиб бўлмайди. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ҳар бир тилнинг ўзига хос вариантлари, лаҳжалари, шева ва диалектлари мавжуд. Фикримизни янада ёрқинроқ акс эттириш мақсадида юқоридаги терминлар изоҳига алоҳида тўхталсак.

Тил вариантлари. Вариант сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, таржимаси *varias-* “турли” деган маънони англатада. Сўз таржимасидан келиб чиққан ҳолда тил вариантлари бу — тил турларидир. Хўш, тил турлари қандай ҳосил бўлади? Бу саволга жавобни тил тарихидан олишимиз мумкин. Мисол тариқасида инглиз тилининг ҳинд вариантига мурожаат этсак. 1858 йили Буюк Британия Ҳиндистонда ҳукмронлик қилаётган Бобурийла сулоласига якун ясаб, Ҳиндистонни бевосита идора қиласди, ҳинд халқининг норозиликларига қарамай, ҳокимият инглиз мустамлакачилари кўлида қолаверади.

Ҳокимиятнинг инглизлар қўлида бўлиши, Ҳиндистонда инглиз тили шаклланишига замин яратади (9). Ҳиндистон халқининг инглиз тилида сўзлашиши, ҳинд тилининг инглиз тилига бўлган интерференцияси натижасида инглиз тилининг тил соҳиблари тилидан фарқ қилувчи шакли ҳосил бўлган. Бу эса инглиз тилининг ҳинд варианти ҳисобланади.

Шева. Шева форс тилидан олинган бўлиб, овоз, сўз, сўзлашиш, тил, одат, одатий сўзлашув маъноларини англатиб, бу тушунчага Назар Ражабов шундай таъриф берган: “шевалар бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлганликлари ҳолда, тилимизнинг энг кичик бўлагини ташкил қиласиди”. Бунга мисол тариқасида ўзбек тилининг қорлуқ чигил-уйғур гуруҳига кирувчи Тошкент, Андижон, Марғилон, Самарқанд, Бухоро, Каттақўргон, Жиззах, Карноб, Қарши, Паркент, Ургут сингари кичик тормоқли шеваларни келтирган (6, 30).

Юқоридаги таърифдан келиб чиқкан ҳолда шуни тушуниш мумкинки, шева — бу маълум бир кичик ҳудудга хос бўлган, бошқа ён ҳудудларнинг сўзлашув тилидан фарқ қиласиди одатий сўзлашув усулидир.

Лаҳжа. Лаҳжа араб тилидан олинган бўлиб, ифода, сўз, шева, овоз деган маънони англатиб, шева билан бир хил тушунча бўлиб кўринади. Аммо лаҳжа — бу бир нечта бир-бирига яқин, айрим жиҳатлари билан ўхшаш бўлган шеваларнинг йифиндиси ҳисобланади. Фикримизни Назар Ражабов таърифи билан мустаҳкамласак, “Ўзбек шевашунослигида лаҳжа шевалардаги асосий хусусиятларини ўзида бирлаштирувчи шевалар йифиндисини билдиради. Бу эса лаҳжа атамасини кенг маънода кўлланишидир” (6, 31).

Диалект. Назар Ражабовнинг таърифига кўра лаҳжага тенг, уларнинг таърифи қуидагича: “Деалект лотинча сўз бўлиб, шевага нисбатан кенг маънода кўлланилади”, “Диалект тилнинг энг кичик бўлаги саналган шеваларнинг бир қанчасини ўз ичига олади, яъни у шевалар йифиндисидан ташкил топади” (6, 32). Уларнинг фикрига кўра лаҳжа эскирган ва деярли кўлланилмайдиган сўз бўлиб, унинг янги кўриниши диалектдир.

Яна бир мисол тариқасида Насриддин Назаровнинг таърифи билан танишиб чиқсан. Насриддин Назаров ўзининг “Лақайлар: Диалектология ва фразеология” китобида турлича ёндошган. Китобнинг айрим бетларида *лақайлар диалекти*, баъзи жойларида *лақай шеваси* деб келтирган (5, 2–3). Уларнинг бундай ёндошувига кўра диалект бу шеванинг синонимидир.

Диалект терминининг рус тилидаги изоҳи эса қуидагича: “Диалект является полноценной системой речевого общения (устной или знаковой, но не обязательно письменной) со своим собственным словарём и грамматикой” (8). Бундан кўриниб турибди-ки диалект бу — нутқ мулоқотининг тўлиқ

системасига эга бўлган (оғзаки ёки белгилар ёрдамида, ёзма нутқ мухим бўлмаган холда) ўзига хос луғат бойлиги, грамматикасига эга тил туридир.

Инглиз тилининг изоҳли луғатига мурожаат этадиган бўлсак, диалект сўзига шундай таъриф берилган: “Dialect is - a form of a language that people speak in a particular part of a country, containing some different words and grammar, etc.” (7) бундан тушуниш мумкин-ки, диалект бу – маълум бир мамлакатнинг бирон бир ҳудудида яшовчи инсонларга хос бўлган, турли сўзлар ва грамматикага эга сўзлашув тури. Бу таъриф ҳам, диалект шева билан синоним сўзлар эканлигини тасдиқлайди.

Шеваларнинг яна бир ўзига хос жиҳати, уларнинг оғзаки нутқда ҳосил бўлиши, шаклланиши ва ҳатто ундаги айрим сўзларнинг ўзгариши, эскириши, мулоқотдан чиқиши ҳам мумкин. Бундаги асосий фарқ ва ўзгаришларни сўзлар талаффузида ҳам учратиш мумкин.

Тошкент аҳолиси орасида “ака” сўзининг [oka] деб талаффуз қилинишини, аммо ёзма шакли ўзгаришсиз *ака* эканлигини, Бухорода эса /o/ ҳарфи сўзларда /a/ талаффуз қилинишини қўришимиз мумкин. Мисол тариқасида “*ona*” сўзи, оғзаки нутқда [ana], *олма-[алма]*, *овқат-[авқат]* деб талаффуз қилиниши, Самарқанднинг Пайариқ туманида “ж”лаб сўзлашишни учратиш мумкин: “*йўлда келмоқда*” сўзининг [жўлда келяпди], “*илон*” сўзини эса [жислан] деб айтилиши шулар жумласидан. Бундай ҳолатни Сурхандарё вилоятининг Ангор ва Жанқўрғон туманларида ҳам учратиш мумкин, “*йўқ*” сўзининг [жўқ] деб айтилишини ундош товушларга, унли товушлардаги фарқ бўйича “*она*” сўзини [эна] дейилишини мисол тариқасида келтириш мақсадга мувофиқ.

Шеваларнинг яна бир қизиқ жиҳати, сўзларни қўшиб талаффуз қилиши натижасида улардаги товушларнинг ўзгаришидир. Қашқадарё шеваларида сўзларни қўшиб талаффуз қилиш ҳолатлари кўп учрайди. Улардаги ундош товушларининг ўзгариши ҳолатини кўриб чиқсан.

Қашқадарёда “бор экан” сўзини [барақан] деб, қўшиб талаффуз қилинади. Бу ҳолатда сўзларнинг қўшиб талаффуз қилиниши экан сўзидаги /k/ ундош товуши /қ/ ундош товуши билан алмашиниб келиб, ундош товушлар сингармонизмини юзага келтиради (сингармонизм — ундош (унли) товушларнинг оҳангдошлиги). Ўз навбатида, бу сўз бирикмасидаги унлилардаги сингармонизмни Бухоро шевасидек /a/ унлисининг /o/ талаффуз этилишида учратиш мумкин. Шу ва шунга ўхшаш товушлардаги фарқлар чет тилни ўзлаштириш жараёнида ҳам кузатилади.

Ўзбек тили товушлар тизимида мавжуд бўлмаган инглиз товушлари ва улар иштирокидаги сўзлар талаффузида, ўзбек ўкувчиларига бирмунча

қийинчиликларни юзага келтириши табиий ҳолатдир. Бунга мисол тариқасида инглиз тилидаги [t] ва [h] ҳарфлар бирикмаси берадиган [θ] ва [ð] ундош товушлари. Ўзбек миллатига мансуб тил ўрганувчилар инглиз тили [θ] ва [ð] ундош товушларини ва улар иштирок этган сўзларни талаффуз этишда, бу товушларни ўзбек тилида мавжуд [s] ва [z] товушлари билан адаштириб талаффуз қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Қўшимча равишда шуни ҳам айтиш лозим-ки, ушбу [θ] ва [ð] ундош товушларини бир-биридан ҳам фарқлаш бирмунча қийин. Инглиз тилидаги [θ] ва [ð] ундош товушларини А. Абдуазизов мисоллар билан аниқ ва тушунарли қилиб очиб берган (1, 60). Кузатишлар (яъни дарс давомида) натижасида ўзбек миллатига мансуб тил ўрганувчилар инглиз тилидаги [θ] товушини ўзбек тилидаги [s] товуши билан, инглиз тилидаги [ð] товушини эса ўзбек тилидаги [z] товуши билан адаштирган ҳолда талаффуз этиш ҳолатлари аниқланди. **Мисоллар:** *that* [ðæt] — [zæt]-мавжуд хатолик, *think* [θɪŋk] — [sɪŋk], *thought* [θɔ:t] — [sɔ:t], *father* [fa:ðə] — [fa:zər] ва *another* [ə'nlðə] — [ə'nłzə] — сўзларидағи қаби хато талаффузлар.

Кузатишлардан олинган хулосалардан келиб чиқиб, талабалар орасида сўровнома ўтказдик. Сўровнома натижасидан юқоридаги фикрларимизни тўғри эканлигини аниқладик.

Сўровнома Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 118 та талабалари иштирок этган бўлиб, улардан қўйидаги саволларга жавоб изладик:

1. Инглиз тилидаги қайси ундош товушларни талаффуз қилишда қийинчилик сезасиз?
2. Инглиз тилидаги қайси ундош товушларни тинглаб тушунишда қийинчилик сезасиз?
3. Инглиз тили оғзаки нутқни ривожлантиришда талаффузнинг аҳамияти **бор/йўқ.** (*маъқул жавоб тегига тизинг*)
4. Инглиз тили фонетикаси фани ОТМ да ўтилиши **керак/керак эмас.** (*маъқул жавоб тегига тизинг*)

Ўтказилган сўровномаларда талабалар берган жавоблари яъни тинглаб тушунишда ва талаффуз қилишдаги қийинчиликларни умумийлаштириб, олинган жавобларни аниқлаб олдик. Унга кўра жами 351 жавоб бўлиб, улар орасида тинглаб тушунишда, талаффуз қилишда “қийинчилик сезмайман” деб жавоб қолдирганларнинг умумий сонини 30 тани ташкил этди. Талабалар берган жавобларни фоизларда ўрганиб чиқдик ва қўйидаги натижаларни аниқладик: унга кўра инглиз тилидаги /t/ ва /h/ ҳарф бирикмаси берадиган [θ] ва [ð] товушларидаги қийинчиликлар 25.3 % ни, /r/ ҳарфининг талаффузида 10.5 % ни, /s/ ҳарфи берадиган [s] ва [z] товушларини тинглаб тушунишда ва талаффуз қилишдаги қийинчиликлар 7.4 % ни, /w/ ҳарфининг талаффузидаги

қийинчиликлар 4.8 % ни, /t/ ҳарфи талаффузида ва уни тинглаб тушунишдаги қийинчиликлар 6.8 % ни ва “қийинчилик сезмайман” деб жавоб берганлар эса 8.5 % ни ташкил этишини кўрсатди.

Ўтказилган сўровномада талабалар асосан [θ] ва [ð] товушларида қийинчилик сезишининг исботини кўришимиз мумкин. Қўшимча равишда рўйхатнинг иккинчи поғонасида турган [r] товуши талаффузидаги муаммо бу —инглиз тилидаги /r/ ҳарфи иштирок этган сўзлар талаффузида ўзбек тил ўрганувчилар, ушбу товушни ўз она тили каби талаффуз қилишидадир. Бунда ҳам ўзбек шеваларининг салбий таъсирини кўришимиз мумкин: *park* [pa:k] — [pa:rk] (тил ўрганувчилардаги хатоликлар), *verb* [vз:b] — [verb], *smart* [sma:t] — [sma:rt], *formation* [fɔ:'meiʃn] — [fɔ:r'meiʃn], *similar* [similə] — [similər] ва бошқалар.

Инглиз тилидаги сўзларда иштирок этган /r/ ҳарфи билан /l/ ҳарфи талаффузида ҳам ўхшашиклар мавжуд. Бунга сабаб [r] товуши билан [l] товушлари тил олди сонор товушлардир. Уларнинг фарқи шундаки, [r] товуши орқа алвеоляр, ўрта сонор товуш бўлса, [l] товуши апикал-алвеоляр, ён сонор товуш ҳисобланади. Шу билан бирга шуни ҳам айтиб ўтиш лозим-ки, [l] товуши узининг аллафонларига эга ва улар унлилардан олдин келса юмшоқ, ундошлардан олдин келса қаттиқ талаффуз қилинади. Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, бу икки товуш тил олди сонор товушлар бўлганлиги ва ўзбек тилида [r] товуш титроқ товуш саналиши ва инглиз тилидаги [r] товуши талаффузидан фарқ қилиши (ўзбек тилидаги [r] товушини ҳосил қилишда тил учи танглайга тегади ва ҳаво оқими тил учини титратади, шу сабабдан титроқ товуш ҳисобланади. Инглиз тилида эса бу товуш талаффузида тил учи билан танглай ўртасида тор оралиқ ҳосил қиласди, тилнинг четлари юқори ён тишларга тегиб туради ва ҳаво оқими танглай ва тил учи ўртасидаги оралиқдан ўтади.) ўзбек тил ўрганувчиларда уларни фарқлаш ва талаффузида қийинлик қиласди. **Мисоллар:** *Light – right, law – raw, lamp – ramp, loyal – royal, blush – brush* (2, 203–223).

Инглиз тили [θ] ва [ð] товушлари ва айрим унли товушлар талаффузидаги фарқли ҳолатларни ҳам мисолларда кўриб чиқсан:

- /a/ ҳарфи иштирок этган сўзлар талаффузи. **Мисоллар:** *act* [ækt] — [ekt]-(тил ўрганувчилардаги хатоликлар), *another* [э'плðэ] — [э'nazэ];
- /e/ ҳарфи иштирок этган сўзлар талаффузи. **Мисоллар:** *effect* [ɪ'fekt] — [efekt], *enjoy* [in'dʒɔɪ] — [енжоу] ва бошқалар.

Бу мисоллар ҳам ўзбек тилидаги шеваларнинг инглиз тили талаффузига бўлган салбий таъсирини яққол кўринишидир. Юқорида келтирилган она тилининг ўрганилаётган тилга бўлган салбий таъсирига оид мисолларни кўриб

чиқиши билан бир қаторда бу ҳолат фанда қандай таърифга эга эканлигига тўхталиб ўтиш лозим. Тил ўрганиш жараёнида юзага келадиган бундай салбий таъсиrlар тилшуносликда **интерференция** деб аталади. Биз келтирган мисоллар эса интерференция турларидан бири хисобланган товуш интерференциясига мисол бўлади.

Тил ўрганувчиларда инглиз тили талаффузини ривожлантиришда ва товуш интерференциясини бартараф этишда инглиз тили фонетикасини ўрганиш ва ўргатишда муҳим ўрин эгаллайди. Инглиз тили ўрганишда тил ўрганувчилар дуч келадиган товуш интерференциясига яна бир мисол бу инглиз тилидаги ёзилиши жиҳатдан бир-биридан фарқ қиласиган сўзлар талаффузидаги товушларнинг ўхшашлигидир:

1. Инглиз тилидаги *sought* - *thought* сўзларини талаффуздаги фарқи унчалик сезилмайди. Аммо уларнинг маъноси бир-биридан тубдан фарқ қиласи: *Sought*-терилган [sɔ:t] – *thought*-фиқр [θɔ:t];

2. *Thing-sing* сўзлари талаффузида ўхшашлик юқори. *Thing*-нарса, буюм [θɪŋ] - *sing*-куйламоқ [sɪŋ] маъноларини англатади.

3. *Advice* – *Advise* сўзларини олсак: *advice* [əd'veɪs] – от сўз туркумига мансуб ва таржимаси маслаҳат, насиҳат, *advise* [əd'veɪz] – *advice* сўзининг феъл шакли бўлиб, маслаҳат бермоқ, насиҳат қилмоқ маъноларини англатади.

4. *Faith* – *face* сўзларида ҳам юқоридаги мисоллар каби ўхшашликни кўриш мумкин: *Faith* [feɪθ] ишонч, ишониш маъноларига эга; *face* [feɪs] юз, қиёфа, чехра маънолари мавжуд.

Инглиз тилининг мураккаб жиҳати унинг товушлар тизимиdir. Маълумки, инглиз тилида 6 та унли ҳарфлар ва улар берадиган 21 та товуш мавжуд. Мисол тариқасида (дифтонг) /ea/ ҳарф брикмаси ва унинг иштирокидаги сўзларни кўриб чиқсан:

Bean (ловия) – [i:]

Bread (нон) – [e]

Break (танаффус) – [eɪ]

Real (хақиқий) – [ɪə]

Create (яратмоқ) – [ɪ'eɪ]

Heart (юрак) – [ɑ:]

Bear (айик) – [eə]

Heard (эшитмоқ-ўтган замон феъли) – [z:]. (1, 25.).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибди-ки биргина /ea/ дифтонги 8 та товуш вариантини бермоқда ва бу товуш вариантлари фанда аллафонлар деб аталади.

Ўзбек тилида аллафонлар мавжуд бўлсада, улар инглиз тили каби қўп сонни ташкил этмайди (ўзбек тили адабий тилида). Шеваларни инобатга олсак, аллафонлар кўп, аммо ҳозирги кунга қадар бу борада етарлича изланишлар олиб борилмаган.

Инглиз тилида мавжуд аллафонларни тил ўрганувчиларга ўргатиш борасидаги қийинчиликлардан бири, уларнинг транскрипцияли лугатлардан фойдаланишларига тўғри келиши (ўқув йилининг бошланғич курсларида). Аммо бу холатни тўлақонли қийинчилик деб ҳам бўлмайди. Сабаби ҳозирга кундаги техника ютуқлари ушбу қийинчиликларни анчагини енгиллаштирмоқда. Электрон лугатлар, қўлланмалар ва дарсликлар бунинг яққол исботидир.

Аллафонларга оид машқларни дарс жароёнида қўллаш, ўқувчиларнинг товушларни фарқлай олишини шакллантиради. Ўқитувчи талабаларга унли ҳарфлар ёки уларнинг бирикмалари (дифтонглар, трифтонглар) иштирокидаги сўзлар жамланмасини беради. Ушбу машқда битта дифтонг ёки трифтонгни олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Машқни бажаришда талабаларга улардаги фарқларни тинглаб, сўнг лугатдан фойдаланган ҳолда қайси сўзда дифтонгни (ёки трифтонни) қайси аллафони қўлланилганлигини аниқлаш вазифаси топширилади. Мисол сифатида /ea/ ҳарф бирикмаси берадиган дифтонг товуш иштирокидаги сўзлар:

*bean real steak heard
bread create beard lead
meal seat bear clean
head sweat wear cleanse
break heart fear great (7)*

Бу машқни аудио шаклда ҳам берса бўлади.

Яна бир машқ эса қуйидагича:

Шарти: [eɪ] дифтонг товуши иштирок этган сўзларни аниқланг.

Сўзлар: *fear, day, clean, beer, leaky, nuclear, retail, clear-cut, prey, deal, flamy, acquire, claim, flea, lease, pale, seam.* (7)

Юқоридаги машқни ундош товушларга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Сўзлар кетма-кетинлиги берилган ҳолда, улар орасидаги [θ] ва [ð] товушлар иштирок этган сўзларни ажратиш сўралади. **Мисоллар:** *with, south, thank, without, together, thought, whether, another, thick, other, theater, theme, think, within, thousand, their* (7).

Бу машқни жадвал қўринишида ҳам келтириш мумкин бўлиб, унда берилган сўзларга асосланган ҳолда жадвални тўлдириш сўралади: (7)

the word in which the sound of [θ] is involved	the word in which the sound of [ð] is involved
<i>Thousand</i> [θauz'nd]	<i>With</i> [wið]
<i>Thank</i> [θæŋk]	<i>Within</i> [wi'ðin]
<i>Theater</i> [θiətə]	<i>Other</i> [ʌðə]
<i>Thick</i> [θɪk]	<i>Without</i> [wi'ðaut]
<i>Theme</i> [θi:m]	<i>Together</i> [tə'geðə]
<i>South</i> [sauθ]	<i>Another</i> [ə'nʌðə]
<i>Thought</i> [θɔ:t]	<i>Whether</i> [weðə]
<i>Think</i> [θiŋk]	<i>Their</i> [ðeə]

Бундай машқлар ўқувчиларни изланишга ундаиди, аммо бундай машқларни тақрорий равишда қўллаб бўлмайди. Ўқувчиларни лугатдан узоқ вақт фойдаланиши уларда дарс жароёнига нисбатан қизиқишини сўндиради.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек тил ўрганувчиларни қизиктиришда фақат лугатга таяниб қоладиган машқлар билан банд қилмасдан, қўшимча тарзда чет тилидаги мусиқий, шеърий соатлар, ҳикоялар (хаётида кечган қизиқарли воқеалар, маъноли мазмунли халқ ривоятлари) айтиш каби оғзаки нутқни ривожлантирувчи дарслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Чет тили талаффузини ривожлантиришда кенг қўлланиладиган методлардан бири бу “Иммитация” (Imitation-тақлид қилиш) методи. Ушбу методдан дарс жараёнида қўллашда нималарга эътибор бериш борасида О.В. Коробова ўз фикрларини билдирган унга кўра:

- Ўқитувчи айтган сўзларни тақрорлаган ҳолда, сўзларнинг чўзиқ ёки қисқа равишда талаффуз этилишига этибор қаратиш;

- Сўзларни талаффуз қилишда, ургуга эътибор бериш;

- Сўзларни айтиш давомида оҳангга эътибор бериш;

- Қўшма сўзлардан ташкил топган сўзлар талаффузида уларни алоҳида емас, қўшиб талаффуз этиш;

- Ёзib олинган (аудио) матнларни тинглаш ва сўзлар ва гаплар талаффузига эътибор бериш. Бунда тақрорий равишда тушунилмаган сўзларни (гапларни) тинглаш, тинглаб ўрганилган сўзлар талаффузини тақрорлаш мақсадга мувофиқ (3).

Г.В. Рогова чет тили талаффузини ривожлантиришда фонетик машқларни доимий тақрорлаш, мавзуга оид дарс материалларини тайёрлашда, мос қўшиқ, шеър, афоризмлар, мақол, топишмоқ ва тез айтишлардан фойдаланиш лозимлигини таъкидлайди (4). Мисол тариыасида “MY LITTLE BROTHER”

шеърини олсак. Ўқувчилар бу шеърни ёд олишади. Дарс жараёнида аввал тингланади, сўнг, жўр (ёки якка тартибда) бўлиб айтишади.

*My baby brother's fat, as fat
As any boy can be,
And he is just the sweetest duck
That ever you did see.*

*I count the dimples in his hands
A dozen times a-day,
And often wonder when he coos
What he would like to say.*

*I comb the down upon his head-
He hasn't any hair,-
It must be cold without, and yet
He never seems to care.*

*It is so nise to see him kick,
He has such pretty feet;
I think if we might eat him up
It would be quite a treat (12).*

Бу шеър ёрдамида ўқувчиларни товушларни фарқлай олиши учун фойдаланиш мумкин:

а) Ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган [ou] ва [u] товушларини топиш, уларни талаффуздаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи тарафларини аниқлаш;

б) Ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган [ee] ва [e] товушларини топиш, уларни талаффуздаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи тарафларини аниқлаш;

с) Ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган “s” ҳарфини топиш, уларни талаффуздаги ўхшаш ва бир-биридан фарқ қилувчи тарафларини аниқлаш;

д) Ўқувчиларга шеър матнидаги сўзларда иштирок этган “n” ҳарфини топиш ва сўзларнинг қай бири [n] ёки [ŋ] товушини беришини аниқлаш.

Чет тилини талаффузини тезлиқда ўзлаштиришга тўсқинлик қиласиган ҳолат бу ўрганилаётган тилни фақат дарс жараёнида қўллаш. Дарсдан (ишдан) ташқари, кундалик хаётда деярли чет тилидан фойдаланилмаслиги чет тили оғзаки нутқини тез ва қисқа муддатда ривожланишига монейлик қиласиги. Ана

шу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида юқорида келтирилган машқларни уйда бажариш, ҳамда, дарсдан сўнг чет тилига асосланган тадбирлар, қизиқарли ўйинлар ва бирон-бир муаммонинг (кундалик ҳаётдаги, таълимдаги, дунёда бўлиб ўтаётган жараёнлар ва шу каби мавзуларда) ечимиға доир баҳс-мунозаралар ташкиллаштириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abduazizov A.A. English Phonetics- a theoretical course. — Tashkent: “Musiqa” publishing house — 2007, 256-бет.
2. Greg Raver-Lampman, Corine Wilson. An Acceptable Alternative Articulation to Remediate Mispronunciation of the English /l/ Sound: Can Production Precede Perception? TESOL Journal 9.1, March 2018.
3. Коробова О.В. Обучение произношению английского языка. Педагогика: традиции и инновации (II): материалы междунар. заоч. науч. конф. (г. Челябинск, октябрь 2012 г.), – Челябинск: Два комсомольца, 2012. –viii, 212 с.
4. Рогова Г. В. Методика обучения иностранным языкам. – М. 1991. – 460 с.
5. Назаров Н. Диалектология ва фразеология. — Тошкент. — 2010, 468-бет.
6. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. — Тошкент: Ўқитувчи. — 1996, 302-бет.
7. Ўзбек тилининг изохли лугати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — Давлат илмий нашриёти. — 2006. 1 – ТОМ: 680-бет,
8. <https://www.cambridge.org/cambridge-advanced-learners-dictionary-3rd-edition>
9. <https://ru.wikipedia.org/wiki/диалект>
10. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Hindiston>
11. <https://dic.academic.ru>
12. <https://www.kidsworldfun.com/kidspoems/my-little-brother.php>